

Хижобнинг шартлари

شروط الحجاب

< Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي >



ҲҚ

Тахрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Муслима аёлнинг либосида бир неча шартлар вужудга келиши талаб қилинади. Агар бу шартлардан бири мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳижоб шаръийлигини йўқотади.

Бу шартлар қўйидагилар:

1. Ҳижоб баданнинг ҳамма ерини ўраб туриши керак.

Уламолар юз ва икки кафтни ҳам ўраш вожиблиги хусусида ихтилофлашишган. Аммо уларнинг ҳаммалари фитналар пайтида ва бизнинг замонамиздаги каби фосиқ муҳитда юз ва кафтни ҳам ўраш вожиб эканига иттифоқ қилганлар.

2. Шаръий ҳижоб эркакларни ўзига қаратадиган нарсалар билан зийнатланмаган бўлиши лозим.

Аллоҳ азза ва жалла айтади: “...ва зийнатларини (бегоналарга) кўрсатмасинлар” [Нур:31].

3. Шаръий ҳижоб шаффоф бўлмаслиги, балки баданни кўрсатмайдиган даражада қалин бўлиши керак.

Чунки ҳижобдан мақсад баданни яширишdir. Шаффоф кийимдан мақсад ҳосил бўлмайди. Аксинча, шаффоф кийим аёлга зийнат бўлиб, бошқалар учун фитна бўлади.

4. Шаръий ҳижоб кенг бўлиши керак.

Чунки тор кийим баданнинг шаклини билдириб туради ва одамлар эътиборини жалб қиласи. Бунда, шубҳасиз, ўзгалар учун фасод бор.

5. Шаръий ҳижоб хушбўйланган бўлмаслиги лозим.

Негаки, аёл киши уйидан хушбўйланиб кўчага чиқишидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарганлар.

6. Шаръий ҳижоб эркакларнинг кийимиға ўхшамаслиги лозим.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам ўзини аёлларга ўхшатадиган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатадиган аёлларни лаънатлаганлар (Аҳмад ривояти).

7. Шаръий ҳижоб коғир аёлларнинг кийимлариға ўхшамаслиги лозим.

Чунки шариат куфр аҳлиға хилоф иш тутишга буюрган ва уларга ўхшашликдан қайтарган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

“Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, бас у ўшалардандир” (Аҳмад ва Абу Довуд ривояти).

8. Шаръий ҳижоб халқ эътиборини ўзига жалб қиласлиги “шухрат либоси” бўлмаслиги лозим.

“Шухрат либоси” дегани, уни кийиш билан инсонлар орасида шухрат қозонишга сабаб бўладиган, одамлар эътиборини ўзига жалб қиласлиги кийимлардир.

Иbn Усайминроҳимахуллоҳ айтадилар:

“Шухрат либоси”нинг муайян сифат ва кўриниши йўқ. Шухрат либоси деганда, инсон уни кийиши туфайли одамлар орасида машҳур бўлиб қиласлиги кийимлар, одамлар бу кийим сабабли унга ишора қилиб “фалончи бундай кийинибди, ундаи кийинибди”, деб инсонларга гап бўладиган кийимлар назарда тутилади”.

Шунга биноан, баъзан муайян кийим бир инсонга нисбатан “шухрат либоси” ҳисобланса, бошқа бир инсонга нисбатан худди шу кийим бундай ҳисобланмаслиги мумкин.

Демак, “шухрат либоси” инсонларнинг шаръан мўътабар урғодатига хилоф кийим деганидир.

Қолаверса, шариат “шухрат либоси”дан қайтаришининг сабаби, бу нарса одамларнинг бундай кийим кийган кишини ғийбат қилишига сабаб бўлгани учундир, валлоҳу аълам.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳижобда мазкур шартлардан бири бўлмаса, аксинча кийим унга чирой қўшадиган безаклар билан безалган бўлса ёки диққатни тортувчи рангда бўлса ёки хушбўйланган бўлса ёки аъзоларни билдириб турадиган даражада тор бўлса ёки кофир аёлларнинг ёки умуман эркакларнинг кийимиға ўхшаш бўлса, у ҳолда бундай кийим шаръий ҳижобликка ярамайди. Шаръий ҳижобнинг ушбу саккизта шартининг ҳар бирига далолат қилувчи оят ёки ҳадислар мавжуддир. Муслима аёл кўчага чиққанида албатта мазкур талабларга жавоб берадиган шаръий либос билан чиқиши лозим.

